

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда соғ'лиқни сақлаш Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2015 йил 9 январь • № 1 (1022)

МИЛЛИЙ АРМИЯ – ВАТАНИМИЗ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ



Бугунги замонавий, ихчам, тез ҳаракатлана оладиган профессионал армиямиз ҳамда унда хизмат қилаётган мард ва жасур йигитларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Чунки, ана шундай забардаст армия мустақил Ватанимизнинг осойишталигини, миллий хавфсизлигини, тинч ва осуда ҳаётимизни таъминлабгина қолмай, барқарор тараққиёт ва нурли истиқболимизни ҳам кафолатлайди.

Дарҳақиқат, мустақиллик қўлга киритилган дастлабки кунларданок, мамлакатимизда Куролли Кучларни мустаҳкамлашга қаратилган қатор ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилди. Аввало, ушбу тизимни қонун йўли билан ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Дастлабки қадам Бош Қомусимиз-

нинг 52-моддасида “Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикасида яшаётган ҳар бир фуқаронинг бурчи” деган модда билан қатъий белгилаб қўйилди. Минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, миллий хавфсизлигимизни ҳимоя қилишни кучайтириш бо-

расида қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2012 йил сентябрь ойида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолият концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун айнан ушбу мақсадларни амалга оширишга қаратилган. Мазкур ҳужжатда Ўзбекистоннинг турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянсларга қўшилмаслиги, ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий

(Давоми 2-бетда).

Маҳорат дарслари

2014 йил мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида самарали натижаларга эришилиб, жорий йилда ҳам фаолиятлар узвийлигини давом эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйрук, фармойиш ва барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида даволаш муассасаларида ишлар қизгин олиб борилмоқда.

ИЛГОР ТАЖРИБАЛАРДАН ТИЗИМ ТАРАҚҚИЁТИГА ЙЎЛ



Жумладан, вазирликнинг 2014 йил 1 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош муассасалари томонидан ҳудудий соғлиқни сақлаш тизимида фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларини соҳалар бўйича савиясини ошириш ҳамда республика ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолига ихтисослаштирилган малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун «Маҳорат дарслари» тўғрисида»ги 125-сонли буйруғи ижрога йўналтирилди. Ўтган йили мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида пойтахтимиздаги қатор нуфузли тиббиёт марказлари томонидан терапевт, кардиолог, акушер-гинеколог, хирург, невропатолог, педиатр, эндокринолог, оториноларинголог, офтальмолог, ортопед-травматолог, нейрохирург, уролог, дерматолог, онколог, фтизиатр ва пульмонолог каби мутахассислар маҳорат дарсларини ташкил қилиб, мураккаб операция жараёнларини ҳам амалга оширдилар.

Бундан асосий мақсад, ҳудудий соғлиқни сақлаш тизимида фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимларининг билим ва тажрибасини ошириш ҳамда чекка қишлоқларда истиқомат қилаётган аҳолига ихтисослаштирилган малакали тиббий ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

Ўтган йилги маълумотларга қараганда, маҳорат дарслари ўз маҳсулини бериб, биринчи навбатда мутахассислар малакаси оширилиб, аҳоли саломатлиги тикланди, мураккаб операциялар

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ РЕКЛАМА ҚИЛИШГА РУХСАТНОМА БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

“Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”, “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш

чора-тадбирлари ҳақида” 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарорига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. Вояга етмаганлар учун мўлжалланган дори воситаларини реклама қилишга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси

Бош вазирининг ўринбосари А. И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазир** Ш. МИРЗИЁЕВ.

Тошкент шаҳри,
2014 йил 15 декабрь.
341-сон.

(Давоми 4-5-бетларда).

МИЛЛИЙ АРМИЯ – ВАТАНИМИЗ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

позицияга эга экани, ўз худудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги, мустақил, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши ҳақидаги принциплар аниқ-равшан баён этилган.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ушбу масалага алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай деган эди: «Ҳарбий қурилиш соҳасидаги мақсад профессионал армияни, ўз таркибиде яхши тайёрланган ва таълим олган, ўз халқига, она заминига садоқатли бўлган, ўз Ватанининг шаъни ва қадриқимматини охиригача ҳимоя қила оладиган жангчиларга эга бўлган армияни босқичма-босқич вужудга келтиришдан иборат бўлиши лозим. Мақсад миқдор жиҳатдан унча катта бўлмаган, лекин яхши шайланган, замонавий қуроллар ва ҳарбий техника билан бекаму кўст қуролланган, Ўзбекистоннинг хавфсизлигини мустақил равишда ва пухта таъминлашга қодир бўлган Қуролли Кучларни шакллантиришдир».

Ўтган йиллар давомида мақсад қилиб олинган эзгу амаллар бугун ўз самарасини кўрсатмоқда. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда мамлакатимиз хавфсизлиги, худудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини қўриқлашга қодир, замонавий ҳарбий техника билан таъминланган профессионал армия вужудга келди. Қуролли Кучларни ислоҳ қилишга қара-

(Давоми. Боши 1-бетда).

тилган Давлат дастури эса миллий армияни шакллантириш ва бошқаришнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тизимга ўтиш имконини берди. Шу боисдан ҳам ҳарбий хизмат муддати бир йил этиб белгиланди, сафарбарлик-чакирув захира хизмати жорий этилди ва бу жараёнлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Ҳар қандай хавф-хатарга тайёр туриш учун қўшинлар моддий-техник негизини яхшилаш, уларни замонавий қурол-аслаҳа билан таъминлаш, амалиётда халқаро тажриба усулларидадан фойдаланиш борасида кўпгина чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида ҳарбий хизматга ишонч, айнқса ёшларимиз орасида ҳарбий касбларга қизиқиш янада ортди.

Миллий армияни шакллантиришдаги яна бир муҳим жиҳат ҳарбий хизматчилар оилаларини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилаётганидир. Уларни уй-жой билан таъминлаш, кафолатланган тиббий хизмат кўрсатиш, моддий ва маиший шароитларини янада яхшилаш борасида давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътибори туфайли амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу эса ҳарбийларга қатор имконият ва имтиёзлар яратмоқда.

Президентимизнинг Қуролли Кучлар 22 йиллигига бағишлаб йўллаган байрам табригида кейинги беш йилда ҳарбий унвонлар бўйича бериладиган ойлик маошлар, ҳарбий хизматдан бўшаганда тўланадиган ёрдам пули саккиз мартадан кўпроқ оширилганлиги қайд этилган. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган шахсларни моддий ва маънавий рағбатлантириш чора-

лари, жумладан, олий ўқув юрталарига киришда уларга давлат томонидан имтиёзлар белгилаб қўйилгани, ишга жойлашишда амалий ёрдам кўрсатилаётганлиги ҳарбий хизматнинг нуфузи ва обрўси янада юксалишида муҳим омил бўлмоқда.

Мудофаа соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида ҳарбийларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқин-яқинга қадар мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун тиббий хизмат офицерларини тайёрлайдиган бундай ўқув муассасаси йўқ эди. Шунинг учун олий тиббий ўқув юрталари битирувчилари ҳарбий шифокор бўлиб ишларди. Фуқаро ва ҳарбий тиббиёт мутахассисларини тайёрлаш жараёнида сезиларли фарқ бор. Негаки, ҳарбий шифокорлик ўзига хос хусусиятларга эга. Тиббий хизмат офицерлари тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тиббий таркиби ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мақсадида 2012 йил 10 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида ҳарбий-тиббиёт факультетини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Интеллектуал салоҳиятга эга, она юртига садоқатли, қўшинларда тиббий хизматни самарали ташкил этишга қодир, тиббий хизматнинг юқори малакали офицерларини, резерв ва

захирадаги офицерлар таркибини тайёрлаш, Қуролли Кучлар тиббий ходимларининг ҳарбий ва касб тайёргарлиги даражасини мунтазам ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, махсус билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш, ҳарбий тиббиёт соҳасида илмий тадқиқот олиб бориш ҳарбий-тиббиёт факультетининг асосий вазифалари этиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий тиббиёт муассасалари, Тошкент тиббиёт академиясининг клиника ва кафедралари мазкур факультетнинг ўқув базалари ҳисобланади.

Айни пайтда ҳарбий-тиббиёт факультетидаги мавжуд кафедралар, барча шароит муҳайё этилган ўқув хоналари ва ётоқхоналар, замонавий техник воситалар, тренажёрлар, спорт зали, иккита кутубхона, замонавий жиҳозлар ҳамда компьютерлар курсантлар ихтиёрида. Курсантларга катта илмий ва ҳаётий тажрибага эга тиббий хизмат офицерлари сабоқ беради. Улар назарий машғулотлардан ташқари, ҳарбий дала-ўқув машғулотида ҳам маҳоратини мунтазам ошириб боради.

Юқори интеллектуал салоҳиятли, ўз Ватанига чексиз садоқатли, қўшинларни тиббий таъминлашни самарали ташкил этишга қодир юқори малакали тиббий хизмат офицерларини тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тиббий таркиби ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, ҳарбий тиббиёт соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш факультетнинг асосий вазифаларидир.

Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида ҳарбий-тиббиёт факультетининг ташкил этилиши миллий армиямизнинг жанговар қобилиятини оширишнинг муҳим омилларидан бирига айланди. Бу ерда яратилган тиббий хизмат офицерларини тайёрлаш тизими мамлакатимизнинг барча ҳарбий қисмларини юқори малакали ва пухта тайёргарликка эга ҳарбий шифокорлар билан таъминлаш имконини беради.

Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг 23 йиллиги арафасида амалга оширилган изчил ислохотларга назар ташлар эканмиз, ҳар бир фуқаронинг кўнглидан мамлакатимиз барқарорлиги ва хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, тинч ва осойишта ҳаётимизни ишончли ҳимоя қилишга қодир Қуролли Кучларимиз билан фахрланиш, ғурурланиш туйғуларни кечиши табиийдир.

Зеро, тинчлик – бебаҳо неъмат, уни сақламоқ, авайламоқ ва бу йўлда жон фидо қилиш шу заминда яшаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Зеро осуда ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз, азиз болажонларимизнинг қувноқ кулгиси, ота-оналаримизнинг фаровон умр кечириши юртимиздаги барқарорлик туфайлидир.

Шуни фахр ва қувонч билан таъкидлаш жоизки, Ватанга, халқига садоқатли офицер, сержант ва аскарлардан ташкил топган миллий армиямиз юртимиз мустақиллигининг, тинч ва осойишта ҳаётимиз кафолатидир.

Намоз ТОЛИПОВ.

Маҳорат дарслари

ИЛГОР ТАЖРИБАЛАРДАН ТИЗИМ ТАРАҚҚИЁТИГА ЙЎЛ

амалга оширилиши натижасида халқимизнинг узоғи яқин қилинди, оила иқтисоди тежалди. 2009 йилдан буён вазирлик ташаббуси билан кенг омма орасида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!», «Саломатлик ҳафталиклари» мунтазам ўтказилиши аҳолига сифатли ва тиббий хизмат кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Маҳорат дарслари» тўғрисидаги 125-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида вазирликнинг худудларда маҳорат дарсларини ташкиллаштириш бўйича чиқарилган фармойиши асосида 2015 йилнинг 5-10 январь кунлари худудларда мазкур ижтимоий акция доирасида пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ҳамда илмий-текшириш институтларининг етуқ олим ва мутахассислари маҳаллий ҳамкасблари билан ҳамкорликда маҳорат дарсларини олиб бориш билан бирга, операция амалиётларини бажармоқдалар.

– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан маҳорат дарсларининг ташкил этилганлиги тиббиётни ривожлантириш билан бирга, соҳа мутахассислари би-

(Давоми. Боши 1-бетда).

лим ва тажрибасини ошириш ҳамда республика худудларида истиқомат қилувчи аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишда катта аҳамият касб этмоқда. Жорий йилда ҳам вазирликнинг 125-сонли буйруғи ижросини бажариш мақсадида 5-10 январь кунлари ўтказиладиган маҳорат дарсларида Республика онкология илмий маркази мутахассислари ҳам Фарғона ва Сирдарё вилоятларида бўлиб, ушбу йирик ижтимоий акцияда фаол иштирок этмоқдалар. Марказимиз профессорларининг 5 нафари Фарғона вилоятидаги онколог ва хирургларга маҳорат дарслари олиб бориш билан бирга, Фарғона вилояти ва Қўқон шаҳар онкология диспансерларида мураккаб операция жараёнларини амалга оширмоқдалар. Мазкур тадбирда онко-гинеколог, онко-уролог, маммолог ҳамда бошқа соҳа мутахассислари ҳам ўзларининг долзарб мавзудаги маърузалари ва амалиётлари билан қатнашмоқдалар. Бундан ташқари, марказимиз профессорлари М. Жўраев ва С. Абдужабборовлар йирик ижтимоий акциянинг узвий давоми сифатида Сирдарё вилояти онкология диспансериде ҳам маҳорат дарсларини олиб бормоқдалар. Мутахассисларимиз жойлардаги шифокорлар билим ва тажрибасини ошириш баробари-

да соҳа бўйича муаммо бўлиб турган айрим масалаларни биргаликда ҳал қилиш, бундан ташқари, касалликни эрта аниқлаш, аниқ ташхис қўйиш ҳамда даволаш усулларини келишиб оладилар, – дейди Республика онкология илмий маркази директори, профессор Саримбек Наврўзов.

– Кенг доирада ўтказилаётган маҳорат дарслари назарий ва амалий жиҳатдан соҳа мутахассислари билим тажрибасини ошираётганлиги, бу албатта, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда касалликларнинг олдини ўз вақтида олишда асосий роль ўйнамоқда. 5-10 январь кунлари бўлиб ўтаётган йирик ижтимоий акцияда Фарғона вилоятининг 1-сонли ва Қўқон шаҳридаги 2-сонли Онкология диспансерларида Республика Онкология илмий марказининг бир гуруҳ шифокорлари иштирокида вилоятдаги 3 та шаҳар. 17 та туман тиббиёт бирлашмалари ва мавжуд қишлоқ врачлик пунктларидаги умумий амалиёт шифокорлари, онкологлар, акушер-гинеколог, стоматолог ва педиатрларга онкология соҳасидаги долзарб мавзуларда маҳорат дарсларини олиб бордик. Жумладан, тажрибали мутахассисларимиз томонидан «Бачадон бўйи саратони, скрининг текшириш, эрта таш-



хис қўйиш ва даволаш», «Меъда, қизилўнғач, сут бези саратони», «Буйрак ўсмалари», «Болаларда ўсма», «Бош-бўйин аэзоларидеги ўсма» касалликларига оид маърузалар қилинди. Бундан ташқари, иккала диспансерда 4 та жарроҳлик амалиёти бажарилди. Ушбу операция жараёнларида шахсан ўзим ҳам иштирок этиб, маҳаллий шифокорларга бу борада услубий ёрдам кўрсатдик. Бунинг баробарида, касаллик хавфи бор беморлар ҳам ультратовуш ёрдамида пункция қилинди. Шунингдек, 100 га яқин саратон касаллигига мойиллиги бор шахслар чуқурлаштирилган тиббий кў-

риқдан ўтказилди. Акция давомида аҳоли орасида бўлиб, саратон касалликлари бўйича тунштириш ишлари олиб борилди. Мутахассис сифатида айтмоқчиманки, саратон касаллиги асосан бирламчи тизимда эртароқ аниқланиши зарур. Бундай кенг кўламли маҳорат дарсларининг олиб борилиши энг аввало инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир, – дейди Республика онкология илмий марказининг онко-гинекология бўлими илмий раҳбари, профессор Нигора Йўлдошева.

Ибодат СОАТОВА.

Эътироф

ВАТАН УЛУҒ – БУРЧИМ МУҚАДДАС

2014 йил 9 декабрда Президентимизнинг “Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Фармойиши эълон қилинди. Шунга мувофиқ бу байрам бутун республикамиз бўйлаб “Ватан улуг, бурчим муқаддас!” шиори остида нишонланди. Айни пайтда жойларда оммавий равишда ҳарбий ватанпарварлик ойлиги тадбирлари давом этмоқда.



Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз тинчлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир, замонавий, ҳаракатчан, ҳар томонлама яхши қуроллан-

ган миллий армиямизни ташкил этиш бўйича кенг кўламли иш-хотлар тизими босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, армиямиз ҳозирги кунда нафақат Ватанимиз чегараларини, балки халқимизнинг тинч ва осойишталигини ҳам ишончли ҳимоя қилмоқда. Айни чоғда

ёшларнинг мустақкам ирода ва характери, фикрлаш қобилияти шаклланган, жисмоний чиниқиши, юксак инсоний фазилатлари камол топадиган ҳақиқий профессионал малака ошириш мактаби ҳамдир. Бугун ҳар бир йигит учун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки нуфузли ва шарафли ишга айлангани, айниқса, қувонарлидир.

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг кўпчилиги ҳавас қилса арзигулик иқтисодиёти ривожини, шунигиндек, ҳарбий маҳорат, шижоат жасоратда ҳеч кимдан кам бўлмаган, мард ва баҳодир ҳимоячиларимизга қарата бобокалонимиз Амир Темур айтган: “Бой мамлакатнинг аскари бақувват бўлур, аскари бақувват мамлакат бой бўлур”, деган пурҳикмат иборани фахр ва ифтихор билан ёдга олмоқ ниҳоятда муҳим, ўринлидир.

Буни эркин ва обод юртимизнинг ҳарбий хизматчиларига кўрсатаётган моддий, маънавий ёрдами, яратаётган улкан имкониятлари, яшаш шарт-шароитлари, бунёдкор халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли кун сайин гуллаб-яшнаб, тараққий этаётган Ўзбекистонимиз куч-қудрати, салоҳияти мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Яна шуни айтиш жоизки, ижтимоий жиҳатдан яхши таъминлан-

ган ҳарбий хизматчилар, пухта тайёргарликка эга бўлган, руҳан тик, жисмонан кучли, бурчига садоқатли, ўз измида ҳамиша хушёр ва сергак посбонларимиз давлатимиз хавфсизлигининг ишончли ҳимоячиларидир. Шу боисдан ҳам халқимизнинг уларга ҳурмат-эҳтироми, меҳр-муҳаббати беқиёс. Бу йилги байрамнинг Кексаларни эъзозлаш йилида кенг кўламли

умумхалқ шодиёнаси сифатида ўтказилишида улкан рамзий маъно бор. Биз мард ва жасур ҳарбий хизматчиларимиз Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронторти меҳнат фахрийлари, азиз ва табаррук ёшдаги отахону онахонларимизнинг дуоларини олиб, доимо омадга ёр, жанговар хизматга тайёр бўлишлари ниятидамыз.

ШАРАФЛИДИР КАСБУ КОРИНГИЗ

Сизга салом, энг олий калом,
Ўзбекистон мард посбонлари!
Сизга таъзим, Сизга эҳтиром,
Эй баҳодир, паҳлавонлари!

Орзуингиз – Ватан тинчлиги,
Шарафлидир касбу корингиз,
Сафларингиз ихчам, зичлиги
Қудратингиз, куч-мадорингиз.

Ўз измида хушёр ҳамиша,
Эзгу ишга сафарбар шерлар!
Еру осмон, тоғ-довон оша
Марду майдон, музаффар эрлар!

Боболарнинг руҳи мададкор,
Машъал бўлсин йўлларингизда!
Эл байроғи голиб, сервиқор
Ҳилпирасин қўлларингизда!

Ўзбекистон, гуллаган диёр
Осмони соф, беғубор бўлсин!
Жарангласин тарона, алёр,
Посбонлари доим бор бўлсин!

Искандар РАҲМОН,
Қуролли Кучлар фахрийси.

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

БАХТЛИ ҚАРИЛИК ҲАР БИР
ИНСОНГА НАСБ ЭТСИН!

Муҳтарам Юртбошимиз томонидан 2015 йилга – Кексаларни эъзозлаш йили деб ном берилиши бежиз эмас. Ҳар қандай жамиятнинг ёши улуг кишиларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди. Бизнинг диёримизда кексаларга ғамхўрлик қилиш, уларга меҳр-оқибат, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш қадим-қадимдан қадрият ҳисобланган.

Қайси хонадонда нуруний отахон ёки онахон бўлса, бу оилада албатта файзу барака, фаровонлик, аҳиллик ҳукм суради. Ота-оналаримиз бизни дунёга келтирганликлари учунгина эмас, не-не машаққатларни кўриб, турмушнинг оғир-енгилликларига бардош бериб, ўз фарзандларини тарбиялагани, комиллик даражасига кўтаргани учун ҳам мўътабардир. Кексалар дардига фарзанднинг ширин сўзию, набиралари шўхлигидан ортиқроқ шифо йўқ. Ҳар бир инсон ёши улғайганда фарзандларидан кўпроқ меҳр-мурувват, ширин сўз кутиб яшайди.

Бугунги кунда республикамизда 60 ёшдан ошганлар сони 2 миллион 873 мингдан кўпроқ кишини ташкил этади. 80 ёшдан ошганлар 225 минг нафарни, 90 ёшдан ошганлар 44 минг нафарни, 100 ёшдан ошганлар эса 8 минг 700 нафар бўлиб, уларнинг соғлиги, яшаш тарзи тегишли идоралар томонидан назоратга олинган. Юртимизда кишиларнинг ўртача умр кўриш даври 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга етгани мустақиллик йилларидаги қувонарли натижадир.

Кексалик қонуний тарзда рўй берадиган, ёшга алоқадор ҳолда инсоннинг жисми-жонидан ҳар хил ўзгаришлар кузатиладиган табиғий биологик, физиологик ҳолат ҳисобланади. Инсон улғайгани сари ка-

молотга етади, ҳаётини тажрибаси ортади. “Қари билганини пари билмас” деган мақолда шу ҳолатга ишора бор.

Бу борада мамлакатимиз олимлари геронтология ва геронтология соҳасида тадқиқот ишларини олиб бориб, қариш жараёнини биров бўлса-да секинлатиш, умрни узайтириш муаммоларини чуқур ўрганмоқдалар. Ҳар биримиз кексаларга нисбатан меҳр-шафқатли, эътиборли бўлишимиз, қарилик уларнинг руҳий ҳолатига ижобий таъсир қилишини англаб етишимиз, қарияларга нисбатан меҳр ва эътибор кўрсатишнинг аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмаслигини ҳис қилишимиз керак.

Қарияларнинг узоқ йиллик меҳнат фаолиятидан, уларнинг ҳаётини тажрибаларидан унумли фойдаланишимиз лозим. Шунинг учун “устоз-шоғирд” аъёнлари маҳалларда унумли йўлга қўйилса, бу биринчидан кексаларни иш билан банд қилиб, умрини узайтиришга имкон яратса, уларнинг касбий маҳоратларидан оқилона фойдаланган ёшлар малакали мутахассис бўлиб етишишига асло шубҳа йўқ.

Тиббиёт ходимлари қариялар саломатлигини сақлаш, уларга маънавий, руҳий, жисмоний, тиббий томондан оқилона ёндашишга ҳамиша масъул ҳисобланади. Улар психолог, маҳалла фаоллари, хотин-қизлар кўмиталари, турли мар-

каз ва жамғармалар, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда кексаларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, ҳаётини тажрибасини ўрганиш, рағбатлантириш бўйича кўплаб ишларни амалга оширишлари лозим. Фарзандлар, яқин кишилар, дўст-биродарлар, кўни-қўшнилар ҳар бир кексага мурувват кўрсатишса, эътибор беришса, панд-насихатларига қулоқ солиб, ҳурматини жойига қўйишса, ёши улуг отахон ва онахонларнинг умрига умр, ёшига ёш қўшилади, саломатлигида муаммо туғилмайди. Кексаларнинг сиҳат-саломат, дардлардан фориғ бўлиб, тетик ва бардам юришлари жуда кўплаб омилларга боғлиқ эканлигидан ҳар биримиз хабардор бўлишимиз лозим. Табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино қарияларга енгил ҳаракат қилиш, пиёда юриш, мавсумга хос тўғри овқатланиш, кайфиятни яхшилаш, меъёрида ухлашни тавсия этади. Кексалар умрининг узайиши улар истеъмол қиладиган озиқ-овқат тури ва сифатига боғлиқ. Уларнинг овқатланиш рационини тўғри белгилашда калорияга бой, витаминлари етарли, сифатли тайёрланиши муҳим аҳамиятга эгадир. Улар ҳар куни бир вақтда 3-4 маҳал овқатланиши керак. Агар овқатланиш ўртасидаги муддат 4-4,5 соат бўлса, ошқозон, меъда-ичак фаолияти равон, иштаҳа меъёрида бўлиб, овқат ҳазм қилиш жараёнида муаммо туғилмайди. Иложи борича қарияларга ёғсиз гўшт, тухум, балиқ, пишлок, творог, сут, қатиқ бериб туриши керак. Чунки ушбу озиқ-овқатлар таркибидаги оқсил ва микроэлементар кекса одам учун



сув ва ҳаводек зарур ҳисобланади. Албатта, сабзавот-мева, кўкат, асал, ёнғоқ, полиз маҳсулотлари (қовун, тарвуз) еб туриш фойдадан холи эмас. Имкони борича қариялар таомномасида дудланган, қовурилган, шўр, аччиқ таомлар бўлмагани маъқул. Соғлиқларида биров ўзгариш сезган ота-она, буви-буваларимиз дарҳол шифокорга бориб, маслаҳат олиб турсалар ва бунга амал қилсалар, ҳеч қандай муаммога ўрин йўқ. Айрим касаллик турлари билан ҳисобда турувчи қариялар парҳез тутиб юриши узоқ умр

кўриш гаровидир. Бир сўз билан айтганда, қарилик инсон ҳаётининг интиҳоси эмас, балки умр йўлининг гултожи бўлмоғи керак.

Муноси онахон ва отахонларимиз хонадон кўрки, оила шаъни, кадр-қимматини юксак тутиб келаётгани билан ҳам ҳурмат-эътиборга муносиб. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадриятларимиз аъёнларимиз, бебаҳо меросимизнинг донишманд эгалари бўлган кексаларни эъзозлаш билан ардоқлайлик. Ана шундагина бизга ҳам бахтли кексалик насиб этади.

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили бўйича қабул қилинадиган Давлат дастурида ёши улуг инсонлар қадриятларини кўтариш билан боғлиқ кенг қамровли ишлар амалга оширилади.

Зулҳумор МУТАЛОВА,
Республика саломатлик ва тиббий статистика
институтининг директори.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ**

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ РЕКЛАМА ҚИЛИШГА РУХСАТНОМА БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

**Вояга етмаганлар учун мўлжалланган дори воситаларини реклама қилишга рухсатнома бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида", "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларида мувофиқ вояга етмаганларга мўлжалланган дори воситаларини реклама қилишга рухсатнома бериш тартибини белгилайди.

2. Профилактика, диагностика қилиш ва касалликларни даволаш учун фойдаланиладиган, шу жумладан тиббий жиҳатдан қўллаш йўриқномасига мувофиқ, 18 ёшга тўлмаган шахслар томонидан фойдаланиладиган дори воситаси вояга етмаганлар учун мўлжалланган дори воситаси (кейинги ўринларда "дори воситаси" деб аталади) ҳисобланади.

3. Дори воситаларини реклама қилиш фақат ушбу Низомга мувофиқ берилган рухсатнома мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Фақат шифокор рецептсиз бериладиган дори воситаларини реклама қилишга рухсат этилади.

4. Дори воситаларини реклама қилиш учун рухсатнома бериш ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

5. Дори воситаларини реклама қилиш учун рухсатнома (кейинги ўринларда "рухсатнома" деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда «ваколатли орган» деб аталади) томонидан ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича берилди.

6. Реклама қилишга рухсатнома бериш учун ариза билан ваколатли органга реклама берувчи, реклама яратувчи ёки рекламани тарқатувчи юридик ва жисмоний шахслар (кейинги ўринларда «ариза берувчи» деб аталади) мурожаат қилишлари мумкин.

7. Рухсатнома Ўзбекистон Республикасида реклама қилиш мўлжалланаётган дори воситасини рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиш муддатига берилди.

Рухсатнома реклама қилинадиган ҳар бир дори воситасига алоҳида берилди.

8. Амалдаги рухсатнома ўрнига янги рухсатнома реклама матни ўзгарган тақдирда олиниши зарур.

II. Рухсатнома беришга доир талаблар ва шартлар

9. Қуйидагилар рухсатнома бериш учун риоя этилиши мажбурий талаблар ва шартлар ҳисобланади:

а) рекламада қуйидагилар мавжуд бўлиши лозим:
дори воситасининг тўлиқ (шу жумладан халқаро фармакологик) номи ва ишлаб чиқарувчининг номи, дори воситасидан фойдаланиш ёки уни қўлланиш тартиби тўғрисида ахборот, шу жумладан қўлланишга доир асосий кўрсатмалар, сертификатлар мавжудлиги ҳақидаги маълумот;

дори воситасидан фойдаланиш ёки уни қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар, фойдаланиш ёки қўллашга доир йўриқнома билан танишиш ёхуд мутахассисларнинг маслаҳатини олиш зарурлиги тўғрисидаги огоҳлантириш. Бунда огоҳлантиришга телевидениеда реклама учун жами мўлжалланган майдоннинг камида 10 фоизи, шунингдек, радиода дори воситасининг овозли рекламаси ролигига эфир вақтининг камида 5 секунди ажратилиши лозим;

қонун ҳужжатларида рекламага қўйиладиган бошқа талабларга жавоб бериши зарур;

б) реклама:
дори воситасини ноёб, энг самарали, қўшимча таъсирларнинг мавжуд эмаслиги жиҳатидан энг хавфсиз восита сифатида ифодаласлиги;

дори воситасининг таркиби, ишлаб чиқарилиши, янгилиги ёки патентланганлиги хусусида янглиш тасаввур бермаслиги;

ишлаб чиқарувчи – рақобатчиларнинг обрўсига ёки товар белгисига (хизмат кўрсатиш белгисига), фирма номига, маҳсулотига, фаолиятига путур етказмаслиги;

ўзларининг машҳурлиги туфайли дори воситаларини қўллашни рағбатлантириши мумкин бўлган олимлар, соғлиқни сақлаш ходимлари, шунингдек, давлат органлари мансабдор шахслари ёки бошқа шахсларнинг тавсияларини далил қилиб келтирмаслиги;

дори воситасининг фақат ёки асосан болалар учун мўлжалланганлигини кўрсатмаслиги;

дори воситасининг вояга етмаганлар томонидан қабул қилинаётганлиги ҳолатини ифодаласлиги;

мазкур дори воситасининг хавфсизлиги ва самараси унинг табиий келиб чиқиши билан боғлиқ эканлигини тасдиқласлиги;

рекламанинг таъсирини кучайтириш мақсадида бошқа дори воситалари билан муболағали таққослашга йўл қўймаслиги;

тиббий маслаҳатлар ёки жарроҳлик операцияларининг кераксизлиги тўғрисида тасаввур пайдо қилмаслиги;

мазкур дори воситасининг таъсири кафолатланганлиги тўғрисидаги фикрни тасдиқласлиги;

дори воситасини қўлласлик одам соғлиғини ёмонлаштириши тўғрисидаги фикрни истеъмоличининг онгига сингдирмаслиги керак;

в) дори воситасининг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган, врач рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатида мавжудлиги;

г) дори воситаси Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган ва унинг амалдаги рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бўлиши керак.

III. Рухсатнома олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

10. Рухсатнома олиш учун ариза берувчи ваколатли органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) рухсатнома бериш тўғрисида мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шакл бўйича ариза;

б) юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти учун — юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманиннг нусхаси; тадбиркорлик субъекти бўлган жисмоний шахс учун — яқка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманиннг нусхаси;

в) реклама материаллари (матн, сценарий, видео, аудио, мақола, модуль ва бошқалар);

г) рухсатнома бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати.

11. Ариза берувчидан ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

12. Рухсатнома олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ариза берувчи томонидан ваколатли органга бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақидаги хабарнома билан бирга тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар ариза берувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

13. Рухсатнома олиш учун ваколатли органга тақдим этилган ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхат ваколатли орган томонидан ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда дарҳол ариза берувчига топширилади (юборилади).

14. Рухсатнома олиш учун ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар барча ҳолларда, токи ваколатли орган уларнинг ишончсизлиги исботланмагунча ишончли ҳисобланади.

IV. Аризани кўриб чиқиш ва рухсатнома бериш ёки рухсатнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

15. Рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорда йиғим ундирилади. Ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси ваколатли органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади. Ариза берувчи берилган аризасидан воз кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

16. Ваколатли орган рухсатнома бериш тўғрисидаги аризани ариза берувчидан ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган барча зарур ҳужжатлар қабул қилиб олинган санадан бошлаб ўн иш кунидан ошмайдиган муддатда кўриб чиқади.

17. Рухсатнома бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун ваколатли орган томонидан дори воситаларини реклама қилиш учун рухсатнома бериш бўйича комиссия (кейинги ўринларда «комиссия» деб аталади) тузилади.

18. Барча ҳужжатлар экспертизадан ўтказилгандан сўнг комиссия томонидан рухсатнома икки нусхада расмийлаштирилади ва реклама материаллари матни тасдиқланади, рухсатноманиннг бир нусхаси (эълон қилинган материаллар, намуналар, видео ва аудиокассеталар, CD ва бошқалар) амал қилиш муддати тугагунга қадар ваколатли органга сақланади.

19. Рухсатнома олиш учун ариза берувчи томонидан ваколатли органга тақдим этилган ҳужжатлар ва материаллар қайтариб берилмайди.

20. Агар ваколатли орган аризани кўриб чиқишнинг белгиланган муддати мобайнида ариза берувчини рухсатнома бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида хабардор қилмаса, ариза берувчи реклама қилиш учун рухсатнома олиш мўлжалланаётган дори воситасини реклама қилиш ҳуқуқига эга бўлади, бу ҳақда у ваколатли органини ёзма равишда хабардор қилади.

21. Ушбу Низомнинг 20-бандида назарда тутилган ҳолатда ваколатли орган ариза берувчининг ёзма хабарномаси олингандан кейин беш иш кунни мобайнида унга рухсатнома бериши шарт. Рухсатнома олингунга қадар, тақдим этилган ҳужжатларнинг улар қабул қилиб олинган сана ҳақида белги қўйилган рўйхати ва ариза берувчи томонидан ваколатли органга йўлланган ёзма хабарнома рухсатномага тенглаштирилади ҳамда дори воситасини реклама қилиш учун асос ҳисобланади.

22. Ваколатли орган, тегишли қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир иш кунидан кечикмай, ариза берувчига рухсатномани бериши (юбориши) ёки рухсатнома бериш рад этилганлиги тўғрисида уни ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Рухсатнома берилганлиги учун йиғим ундирилмайди

23. Қуйидагилар рухсатнома беришни рад этиш учун асос ҳисобланади:
рухсатнома берилиши учун зарур бўлган ҳужжатларнинг ариза берувчи томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги;

ариза берувчининг рухсатнома беришга доир талаблар ва шартларга мувофиқ эмаслиги;

ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги.

Рухсатнома беришнинг бошқа асослар, шу жумладан, унинг мақсадга мувофиқ эмаслиги сабаблари бўйича рад этилишига йўл қўйилмайди.

24. Рухсатнома беришнинг рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома ариза берувчига ёзма шаклда, рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва ариза берувчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, такроран кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади). Ариза берувчи рад этиш сабабларини бартараф этиб ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат рухсатномани бериш рад этилганлиги ҳақидаги ёзма хабарнома олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

25. Ариза берувчи рухсатнома беришни рад этиш учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда, ҳужжатлар такроран кўриб чиқиш, рухсатнома бериш ёки уни беришни рад этиш ариза берувчидан рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн иш кунни ичида ваколатли орган томонидан такроран кўриб чиқилади. Ариза такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

26. Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда ариза берувчига илгари ёзма хабарномада баён қилинмаган рад этиш сабабларининг ваколатли орган томонидан келтирилишига йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабабларининг келтирилиши бундан мустасно.

27. Рухсатномани бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин ариза берувчи томонидан топширилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва ваколатли орган томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

28. Ариза берувчи рухсатномани беришнинг рад этилганлиги, шунингдек ваколатли орган мансабдор (ваколатли) шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

V. Рухсатномани қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

29. Юридик шахс бўлган ариза берувчи қайта ташкил этилганда, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда, ариза берувчи ёхуд унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтгандан кейин етти иш кунни мобайнида ваколатли органга рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани, кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда топширади.

Жисмоний шахс бўлган ариза берувчи ўзига берилган яқка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган тақдирда, у қайта рўйхатдан ўтгандан кейин етти иш кунни мобайнида ваколатли органга рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани, кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда топширади.

Ҳужжатлар ариза берувчи томонидан ваколатли органга бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақидаги хабарнома билан бирга тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар ариза берувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Рухсатномани қайта расмийлаштиришда ариза берувчидан мазкур бўлимда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

30. Рухсатнома қайта расмийлаштирилгунга қадар, рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза берган ариза берувчи ёки унинг ҳуқуқий вориси рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисида берилган, қабул қилиб олинган сана ҳақида ваколатли органнинг белгиси қўйилган ариза асосида реклама қилишни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ДОРИ
ВОСИТАЛАРИНИ РЕКЛАМА ҚИЛИШГА РУХСАТНОМА БЕРИШ
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

Рухсатнома қайта расмийлаштирилганда ваколатли орган рухсатномалар реестрига тегишли ўзгартириш киритади. Рухсатномани қайта расмийлаштириш ва бериш рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ваколатли орган томонидан қабул қилиб олинган кундан эътиборан икки иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

31. Ушбу Низомда белгиланган ҳолатларда, рухсатномани қайта расмийлаштирилганлик учун қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза берилган санада рухсатнома бериш ҳақидаги ариза ваколатли орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ваколатли органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

32. Рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиш муддати тугагач, ариза берувчининг аризасига кўра, матни ўзгармаган ҳолда рухсатноманинг амал қилиш муддати ушбу дори воситасининг Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг янги амал қилиш муддати тугагунгача узайтирилиши мумкин, бу ҳолда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини қайта рўйхатдан ўтказишда ёки амал қилиш муддатини узайтиришда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмаган бўлиши шарт.

33. Рухсатнома йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда ариза берувчининг аризасига кўра унинг дубликати берилади.

Рухсатнома йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда, ваколатли орган ариза, шунингдек, рухсатноманинг асл нусхаси ҳамда рухсатноманинг дубликати берилганлиги учун ариза берувчи томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат олинган кундан эътиборан икки иш кунидан кўп бўлмаган муддатда рухсатноманинг дубликати бериши (юбориши) шарт.

34. Рухсатноманинг дубликати бериш тўғрисида ариза ваколатли орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун рухсатнома дубликати бериш тўғрисида ариза топширилган санада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ваколатли органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

VI. Рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш

35. Рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уни бекор қилиш "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22, 23 ва 25-моддаларида назарда тутилган тартибда ва ҳолларда ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

36. Рухсат беришга доир талаблар ва шартларни бир маротаба кўпол равишда бузилишининг қуйидаги ҳолатлари рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиш учун асос бўлиши мумкин:

рекламанинг рухсат этилган реклама материалларига номувофиқлиги ёки ушбу рекламанинг жиддий ноҳўя таъсирларга олиб келиши мумкинлиги аниқланганда; дори воситасининг дозаси тўғрисида нотўғри ахборот берилганлиги аниқланганда.

37. Реклама қилинаётган дори воситаси шифокор рецептсиз бериладиган дори воситаларининг рўйхатидан чиқарилган тақдирда ариза берувчи дори воситасини рухсатнома амал қиладиган муддат мобайнида реклама қилишни тўхтатиши зарур. Бунда рухсатноманинг амал қилиши тегишли равишда тўхтайд.

VII. Берилган рухсатномалар реестри

38. Ваколатли орган берилган рухсатномалар реестрини белгиланган тартибда юритади ва уни ўз расмий веб-сайтида жойлаштиради.

39. Рухсатномалар реестрида қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак: ариза берувчилар тўғрисидаги асосий маълумотлар (номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, боғланиш телефони рақами);

рухсатноманинг тартиб рақами ва берилган санаси; рухсатномани қайта расмийлаштиришнинг асослари ва санаси, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклаш;

рухсатноманинг амал қилишини тўхтатишнинг асос ва санаси; дубликатни беришнинг асоси ва санаси.

VIII. Якунловчи қоида

40. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вояга етмаганлар учун мўлжалланган дори воситаларини реклама қилишга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги Низомга

1-илова

Вояга етмаганлар учун мўлжалланган дори воситаларини реклама қилишга рухсатнома бериш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Рухсатнома олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни рўйхат бўйича тайёрлайди ва ваколатли органга бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этади.	Ариза берувчининг хоҳишига кўра реклама қилиш бошлангунгача.
2-босқич	Ваколатли орган	Ваколатли органнинг мансабдор шахси: 1) рухсатнома олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни рўйхат бўйича қабул қилади ва рўйхат қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига дарҳол берилади (юборилади); 2) рухсатнома бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқади, рухсатнома бериш ёки рухсатнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади; 3) ариза берувчига хулосани беради (юборади) ёки уни рухсатнома бериш рад этилганлиги тўғрисида хабардор қилади; 4) рухсатнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда ариза берувчига рухсатнома беришни рад этиш сабабларини, қонун ҳужжатларининг аниқ нормаларини ҳамда кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиш ҳужжатларни тақдоран кўриб чиқиш учун киритиш муддатини кўрсатган ҳолда ёзма равишда билдиришнома юборади (топширади); 5) реестрга тегишли ёзувни киритади.	1) Ҳужжатлар қабул қилинган кунда. 2) Ҳужжатлар қабул қилинган санадан бошлаб 10 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда. 3), 4), 5), тегишли қарор қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан кечикмай.
3-босқич (зарурият бўлганда)	Ваколатли орган	Ариза берувчи томонидан рухсатнома беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда ваколатли орган белгиланган муддатда ҳужжатларни тақдоран кўриб чиқади, рухсатнома беради ёки рухсатнома беришни рад этади.	Ариза олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда.

(Давоми. Боши 1-, 4-бетларда).

Вояга етмаганлар учун мўлжалланган дори воситаларини реклама қилишга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги Низомга 2-илова

(Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

Серия: P № 000000

**Вояга етмаганлар учун мўлжалланган дори
воситасини реклама қилиш учун
РУХСАТНОМА**

_____-сон
(рухсатноманинг тартиб рақами)

_____ га берилди.

(ариза берувчининг тўлиқ номи)

Жойлашган жойи (почтаманзили) _____ да

_____ ни
(вояга етмаганлар учун мўлжалланган дори воситасининг рўйхатдан ўтказилган номи)

_____ (рекламанинг тури ва жойлаштириш шакли)

реклама қилиш учун рухсат берилди.

Дори воситасининг рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг тартиб рақами _____

Ариза берувчи томонидан тақдим этилган вояга етмаганлар учун мўлжалланган дори воситасининг реклама материали белгиланган барча талабларга мувофиқдир.

ХХТУТ/СТИР _____ Рухсатнома берилган сана _____

Реестр бўйича тартиб рақами _____

Ваколатли шахс _____

(имзо) (Ф.И.О.)

М.Ў.

Изоҳ: ушбу рухсатнома Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг амал қилиш муддати тугагунга қадар амал қилади.

Вояга етмаганлар учун мўлжалланган дори воситаларини реклама қилишга рухсатнома бериш тартиби (3-илова)

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига

_____ дан

(юридик шахснинг номи, жойлашган жойи (почта манзили) ва ташкилий-ҳуқуқий шакли; хусусий тадбиркор учун – фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатининг маълумотларини кўрсатган ҳолда фамилияси, исми, отасининг исми)

Рухсатнома беришга ариза

Сиздан _____
(реклама қилинаётган дори воситасининг тўлиқ номи, ишлаб чиқарувчининг номи, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг тартиб рақами тўғрисидаги маълумот кўрсатилиши лозим)

_____ (рекламанинг қисқача мазмуни, рекламанинг тури ва жойлаштириш шакли (матни, сценарийси, аудио, видео, мақола, модуль ва бошқалар)

реклама қилишга рухсатнома беришингизни (қайта расмийлаштиришингизни, дубликат беришингизни) сўрайман (кераксизни ўчирилсин).

Қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

_____ (ариза берувчининг Ф.И.О. ва имзоси)

20__ йил «__» _____

Умумий амалиёт шифокорларига амалий ёрдам

ҚЎРҚУВГА АСОС ЙЎҚ

Ёхуд ўсма касаллигига қарши янги дори воситаларидан хабардормисиз?

Инсон танаси бутун ҳаёти давомида турли ташқи ва ички омиллар таъсири остида умр кечирар экан, бу унинг организми меъёрий фаолиятига қайсидир даражада таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Бунинг оқибатида эса, кўпчилик ҳолларда киши турли дардлар билан оғриши мумкин. Организм касаллик билан курашади, баъзан дори-дармонлар кўмагида бемор бу дардлардан фориг бўлади, баъзан эса касаллик зўрайиб кетиши мумкин. Инсониятни азалдан ўйлантириб келаётган хасталиклардан бири – хавфли ўсма касалликлари бўлиб, жаҳон тиббиёти жадал ривожланиб бораётган ҳозирги XXI асрда бу янада ўткир муаммолардан бирига айланди.

Саратон касаллиги инсон аъзолари ва тўқималарида мавжуд хужайралар мутацияси юз бериши, хужайраларнинг кўпайиб, организмда аста-секин ўсма жараёнини вужудга келтириши оқибатида ривожланувчи жараёнлар. Бу касаллик барча аъзо ва тўқималарда, ҳар қандай ёшда кузатилиши мумкин. Хавфли ўсма аста-секин ўсиб бориб, атрофдаги тўқима ва аъзоларга таъсир кўрсата бошлайди. Тўхтовсиз ўсиб бораётган бу хужайралар лимфа ва қон оқими бўйлаб бутун танага тарқалибгина қолмай, бошқа аъзоларда ҳам янги ўсма ўчоқларини пайдо қилади. Буни илмий тилда биз шифокорлар «метастазлар ҳосил бўлиши» деб атаймиз.

Саратон касаллиги тарқалиш даражасига кўра, **тўрт босқичга** бўлинади. Биринчи ва иккинчи босқичларда ўсма маҳаллий жойлашган бўлиб, кўшни аъзоларга ўтмаган ва метастаз бермаган бўлади. Учинчи босқичда жараён атроф тўқималарга қараб ўса бошлайди ва тўртинчи босқичга келиб, касалликнинг тўлиқ метастазланиши кузатилади.

Ҳар қандай касалликнинг олди олинса ёки қанчалик эрта босқичларда аниқланиб, даволанса, натижа қониқарли бўлишига шубҳа йўқ. Бу касалликни ҳар қанча эрта босқичларда даволашга киришилса, шунчалик натижа қувонарли бўлиши мумкин. Айниқса, биринчи ва иккинчи босқичларда даволаниш жараёни бошланса, деярли барча ҳолатларда бу касалликдан тўла фориг бўлиш эҳтимолдан ҳоли эмас. Касаллик кўшни аъзоларга ўсганида ва айниқса, метастазланиш ҳолати кузатилса, даволаш узоқ ва мураккаб кечади. Бу ҳолатда касалликни энгши учун бемор ва даволовчи шифокордан матонат ва меҳнат талаб қилинади.

Саратон касаллигини даволашда асосан **уч хил усул** қўлланилади. Биринчиси, **жарроҳлик усули** бўлиб, ўсма жараёнини соғ тўқималар чегарасида кесиб олиб ташлаш ва атроф лимфа тунгларини кесиб олишдан иборат. Касаллик қайси аъзода жойлашгани, ўсма ўлчамлари, аъзонинг ва атроф тўқималарнинг қанчалик зарарланганига қараб, жарроҳлик амалиёти кўлами ҳам турлича бўлиши мумкин.

Иккинчи даволаш усули – нур терапияси таъсирида ўсма хужайраларининг шикастланиши, ўсма ўлчамларининг кичрайиши ва унинг тўла йўқотилишига эришиш мумкин.

Учинчиси – деярли 75-80 фоиз беморда қўлланилаётган дори воситалари билан энгиллатиш усулидир. Онкология соҳасида дори воситалари билан даволаш – “кимёвий терапия” номи билан қабул қилинган. Охириги ўн йилликларда кашф қилинаётган замонавий биотерапия дори воситаларининг са-

марали нишонловчи (target) таъсирини ҳисобга оладиган бўлсак, дори-дармон билан даволашнинг кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Онкологик касалликларни даволаш тарихидаги учта асосий усул алоҳида қўлланиб келинган ва аста-секин такомиллашиб борган. Ўтган XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, даволашнинг ҳар учала усули биргаликда қўлланила бошланди ва комбинирланган, комплекс даволаш усуллари такомиллашди.

Замонавий жаҳон онкологияси амалиётда II-III босқич хавфли ўсма касалликларини даволашда кимёвий терапия ва баъзан нур терапия ёрдамида ўсма ўлчамлари маълум даражада кичиклашишига, айрим ҳолатларда тўлиқ сўрилишига эришилади ва жарроҳлик йўли билан олиб ташланмоқда. Олинган ўсма гистологик ва иммуногистокимёвий жиҳатдан текширилиб, даволаш самардорлиги баҳоланади ҳамда касаллик босқичига қараб, амалиётдан кейинги кимё ва нур терапияси ўтказилади. Метастазланган тўртинчи босқич саратон касаллигида эса, кимёвий терапия асосий даволаш усули ҳисобланади.

Онкологик касалликларни даволашнинг устувор йўналиши бўлиб, кимёвий терапия ҳисобланар экан, у ҳақда батафсил тўхталиб ўтиб, бундан ҳамкасбларимизни хабардор қилишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобладик.

Инсон танаси миллионлаб хужайралардан иборат бўлиб, одатий соғлом хужайралар қайси тўқима ва аъзода жойлашганлигига қараб маълум даврий бўлиниш ва кўпайиш циклига эгадир. Соддароқ қилиб айтганда, ҳар бир аъзонинг хужайралари маълум бир вақт оралигида кўпаяди, ўсади ва парчаланadi. Бу ҳолат “апоптоз” деб номланади. Ўсма хужайраларида эса, ана шу апоптоз ҳолатининг бузилиши кузатилади. Кимёвий терапия дори воситалари асосан, хужайраларни митоз, яъни бўлиниш циклининг маълум бир даврларига таъсир қилади, хужайраларнинг бўлиниш, кўпайиш ва ўсишини тўхтатиб, ҳалок қилади. Ўсма қайси аъзо ва тўқимадан келиб чиққанлигига қараб, турли таъсир механизми ва доирасига эга бўлган кимёвий дори воситалари қўлланилади. Ҳозирги вақтда асосан, бир неча дори воситаларини биргаликда қўллаш, яъни поликимёвий терапия усуллари амалиётга татбиқ қилинган.

Кимёвий воситаларни мушак орасига, томир ҳамда бўшлиқ ичига, масалан қорин ва плевра бўшлиқларига юбориш технологиялари мавжуд. Сўнгги йилларда таблетка ҳолидаги кимётерапия воситаларининг янгидан-янги турлари кашф қилинмоқда. Бундан ташқари, дори воситаларини бевосита ўсмани қон билан таъминловчи томирга ёки лимфа

томирга регионар юбориш, бевосита ўсма ичига оқишининг турли усуллари ва айниқса “target” терапияси ижобий самара бермоқда. Кимё терапия воситалари ўсма хужайраларига таъсир қилиши билан бирга, соғлом тўқима ва аъзолар хужайраларига, уларнинг фаолиятига ҳам турли даражада салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабдан ҳам кимёвий терапиянинг ноҳўя таъсирлари ёки захарлилик даражаси намоён бўлади. Ана шу таъсирларнинг олдини олиш, уларнинг намоён бўлишини камайтириш ва бартараф қилиш мақсадида кимёвий терапия кўмаклашувчи даво фониди олиб борилади. “Кўмаклашувчи даво” деганда, қон элементлари ишлаб чиқиши, жигар, меъда-ичак тизими, буйрак, юрак қон-томир тизими фаолиятини яхшиловчи, иммунитетни тикловчи, инфузион, детоксикацион (захарланишни бартараф қилувчи) даво усуллари назарда тутилadi. Албатта, қўлланиладиган кимёвий дори воситаларининг қайси аъзо ва тизимга ноҳўя таъсир қилиши, бу жараённинг қай даражада намоён бўлишига қараб кўмаклашувчи даво тури ва кўлами танланади.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида кимёвий терапия қўлланила бошлаган даврларда, уларнинг ноҳўя таъсирлари етарлича ҳисобга олинмаган, уларни бартараф қилиш йўллари тўла ишлаб чиқилмагани боис, ноҳўя таъсирлари кузатилган. Шу боис, бемор онгиди ҳам кимёвий терапияга нисбатан салбий қарашлар муҳрланиб қолган.

Янги дори воситаларига асосан уч хил талаб қўйилади, яъни унинг ўсмага қарши таъсири аввалгиларидан кучлироқ, ноҳўя таъсири эса камроқ бўлсин. Қўллаш талаби янада муҳим. Янги кимёвий дори воситалари самарали бўлибгина қолмай, ноҳўя таъсирлари ҳам кам. Ҳаттоки умумий аҳоли анчагина оғир бўлган ва аввал миокард инфаркти, артериал гипертония касалликларини бошидан ўтказган, қандли диабет ва бошқа оғир хасталиклар ҳамроҳ бўлган беморларда ҳам бу дори воситалари қўлланилганда, асорат кузатилмаётгани қувонарли ҳолдир.

Ўсмага қарши терапия дори воситаларининг кашф қилиниши билан бир қаторда, тиббиётнинг бошқа соҳалари ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Жигар, юрак қон-томир, меъда-ичак тизимлари, буйрак, иммун тизими ва бошқа аъзолар фаолиятини яхшиловчи самарали дори воситалари амалий тиббиётнинг тегишли йўналишларига кенг кириб келмоқда. Янги препарат ва медикаментоз хиллари 80-90-йиллардаги воситаларга нисбатан бир неча ўн мартаба самаралироқдир. Ҳозирда жаҳон онкология тизимида кам токсик характердаги кимёвий терапияга самарали кўмаклашувчи даво воситалари билан биргаликда замонавий реанимацион, жадал (интенсив) терапия ва юқори технологик усуналар ёрдамида турли аъзо ва тизимлар мониторинги остида қўлланилишини ҳисобга олсак, кимёвий терапиядан кўрқиб қўл қандай асос қолмайди.

Саратон касаллигидан фориг бўлишнинг яна бир жиҳати, беморнинг ихтисослашган онкологик муассасада, малакали онколог томонидан текширилишидир. Ихтисослашмаган муассасада, он-

колог малакасига эга бўлмаган шифокорда даволаниш – нафақат турли асоратларга олиб келади, балки касалликнинг ривожланиб, даволаб бўлмайдиган, кечки босқичларга ўтиб кетиши учун шарт-шароит яратади.

Республикамизда жуда пухта шакллланган онкологик тизим мавжуд. Барча туман кўп тармоқли марказий поликлиникаларида шифокор-онколог фаолият юритади. Онкологик касалликда шубҳа қилинган ҳар бир инсон тегишли диспансерга чуқурлаштирилган кўрикка юборилади. Республика онкология илмий маркази бошчилигида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ихтисослашган онкологик диспансерлар фаолият юритмоқда. Шунингдек, марказ мамлакатимиз онкология тизимининг бош муассасаси ҳисобланиб, барча диспансерлар фаолиятини мувофиқлаштириб туриш, амалий ва назарий кўмак бериш, юртимизда профилактик ва скрининг текширувлари ўтказиш, беморга ташхис қўйиш, уларга малакали ихтисослашган ёрдам кўрсатиш, онкология соҳасида илмий изланиш олиб бориш вазифаларини ҳам бажаради.

РОИМда барча онкологик касалликларни даволашга ихтисослашган бўлимлар мавжуд. Барча бўлимларда профессор ҳамда етакчи ихтисослашган онколог-шифокор фаолият юритмоқда. Дунёнинг етакчи онкологик муассасаларида бажариладиган барча даво усуллари марказимизда ҳам бажарилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан тиббиёт соҳасига кўрсатилаётган жуда катта эътибор натижасида, республикамизнинг аксарият онкодиспансерлари янгидан қурилиб, ишга туширилди. Барча диспансерлар ва онкология илмий марказлари капитал таъмирланди. Ҳозирда ушбу даволаш муассасаларининг барчасини энг замонавий ташхиллаш, даволаш усуналари ва дори-дармонлар билан таъминлаш жараёнига жадал киришилган.

Марказ шифокорлари чет давлатлар етакчи клиникаларида малака ошириб келишмоқда. Германия, Корея Республикаси, Франция, Япония, Чехия, Хиндистон каби давлатлар онкологик муассасалари билан яқиндан алоқа ўрнатганмиз. Шу сабабдан ҳам Республика онкология илмий марказида юртимиз аҳолисига малакали юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатилишидан ташқари, кўшни ва МДХ давлатларидан ҳам жуда кўплаб беморлар марказимизга даволаниш учун келишмоқда.

Саратон касаллигидан чўчишга, кимётерапия муолажаларини олишдан хавфсирашга ҳеч қандай асос йўқ. Ўз вақтида ихтисослашган онкологик муассасага, малакали шифокор-онкологга мурожаат қилинса бас. Юртимиз шифокор-онкологлари эса энг замонавий даво усуллари, шу жумладан самарали кимёвий, “target” терапия дори воситалари ва бошқа мукамал даволаш усуллари билан бемор дардига малҳам бўладилар.

Дониёр ПҮЛАТОВ,
Республика онкология илмий
маркази кимётерапия бўлими
илмий раҳбари, тиббиёт
фанлари доктори.

Бир неча йиллардан буён Республика онкология илмий марказида даво муолажалари олиб келади. Яқинда марказнинг 1-кимётерапия бўлимида даволаниб чиқдим. Бўлимдаги шифокор ва ҳамшираларнинг билим ва тажрибаси, хушмуомалалиги, саманжом-саришталик ҳамда беморлар учун керакли бўлган барча шароитларнинг

Дил изҳори Бахтимизга омон бўлинг

мавжудлиги саломатлигимни тиклашда катта ёрдам берди. Жамоадаги соғлом муҳитнинг барқарорлигида бўлим илмий раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Дониёр Пўлатов ҳамда бўлим бошлиғи Сарвиноз Аб-

дуғаниеваларнинг алоҳида ҳиссаси бўлиб, кўрсатилаётган тиббий хизматдан барча даволанувчилар мамнун. Шунингдек, малакали шифокор Ҳожиниса Туйибжонова, катта ҳамшира Насиба Пўлатова, ҳамши-

ралар Зумрад Тўлахўжаева, Раъно Муҳаммаджонова, Оля Умарова, марказ бош ҳамшираси Марҳабо Холовалар ҳам ўзларининг фидойи меҳнатлари билан беморлар дардига малҳам бўлмоқдалар.

Мазкур марказга даволашни учун келаётган аҳоли Республика онкология илмий маркази директори, профессор Саримбек Наврўзов ҳамда шифо масканининг кўплаб тиббиёт ходимларига ўз ташаккурларини билдириб қоладилар.

Малоҳат НАЗАРОВА,
Тошкент шаҳри.

Этика и деонтология

ВРАЧЕБНАЯ ДЕОНТОЛОГИЯ В ТЕРАПИИ

В последнее время проблемы этики и деонтологии привлекают все большее внимание как медицинских работников различных профилей, так и широких кругов общественности (представители государственных властей на местах, прокуратуру, суды, фонд "Махалла", партийные организации, негосударственные некоммерческие организации (ННО), международный негосударственный благотворительный фонд "Соглом авлод учун", "Экосан" и др.).

Современные требования в обществе ставят проблему создания модели оптимально ориентированного врача-специалиста, соответственно его уровню, квалификации и характеру деятельности.

Медицинская деонтология играет ведущую роль, как в широком, так и в более узком ее понимании. В широком смысле затрагивается область взаимосвязи медицины с этикой, социальной психологией и другими науками, элементы которых включает в себя деонтология. В более узком значении деонтология сводится к осуществлению медицинским работником своего профессионального долга соответственно профилю медицины.

Гуманистическая направленность медицины на служение больному, его интересам заставляет врача-терапевта и других медицинских работников всякий раз мысленно обращаться к принципу "Прежде всего - не навреди!", как к предостережению от поспешных и необоснованных решений, как к требованию величайшей ответственности за здоровье больного, доверившегося его профессиональному мастерству, высоким нравственным качествам - отзывчивости, чуткости, доброте.

Нельзя не упомянуть о взаимосвязи гиппократовского принципа с понятием риска в медицине. В самом деле, ни одна медицинская манипуляция, ни одно вмешательство не обходятся без той или иной доли риска. Однако границы его допустимости как раз и выходят на соотношение "вреда" и "пользы", преломляясь через врачебную оценку, опосредованную профессиональной квалификацией, личными качествами и знаниями врача.

Гражданское и профессиональное мужество врача часто проверяется в ситуациях выбора того или иного метода, сопоставления прогнозируемого результата и возможных трудностей его достижения. Гарантии исключения ошибок на этом пути быть, к сожалению, не может, если иметь в виду недостаточность наших знаний об основных биологических закономерностях, механизме и характере развития патологических процессов, а также особенностях личности врача, которая находится подчас в плену искажающих реальное восприятие действительности установок.

Ошибка ошибке рознь. Так, недостаточность профессиональных знаний врача, помешавшая ему осуществить правильную диагностику в сложном случае, в корне отличается, например, от сознательно уклонения постановки диагноза хронического заболевания только потому, что больного после этого пришлось бы ставить на диспансерный учет и регулярно наблюдать с соответствующим увеличением врачебной нагрузки. Если возможность ошибки первого типа как бы заложена в структуре

медицинской практики, то при возможности ошибки второго типа грубо нарушается деонтологическая норма, сознательно попирается ведущий принцип "Не навреди!".

Вопросы медицинской этики и деонтологии имеют важное практическое значение в терапии, современная медицина указывает на необходимость учета медико-психологических аспектов, деонтологических принципов в повседневной врачебной практике.

В наши дни, как никогда, индивидуальный подход к пациенту с производства подразумевает тщательный анализ особенностей не только его заболевания и текущего соматического состояния, но и личности и психологической реакции на болезнь. Там, где это осуществляется в полной мере, добиваются более высоких показателей эффективности лечения.

Врачи, кто имеет непосредственный контакт с пациентами и их родственниками, по существу весь персонал медицинского учреждения (медицинские сестры, санитарки, медицинские регистраторы, работники кухни, аптечные работники и др.) должны неукоснительно следовать деонтологическим принципам, иметь необходимую медико-психологическую подготовку. Принципы медицинской деонтологии должны пронизывать всю деятельность лечебно-профилактического учреждения. Решение этой задачи значительно повысит культуру наших лечебно-профилактических учреждений, а также эффективность и качество медицинской помощи.

Формирование здорового образа жизни - главный рычаг профилактики. Особенно велико значение здорового образа жизни в организации и проведении первичной профилактики - этого начального, а потому решающего звена охраны и укрепления здоровья населения. Как известно, профилактика имеет два аспекта: социальный и индивидуальный. При этом успешное проведение профилактических мероприятий, направленных на предупреждение заболеваний, во многом зависит от индивидуального аспекта, поскольку эффективность в значительной мере связана с тем, насколько человек точно и строго выполняет назначения и рекомендации врача, касающиеся режима труда и отдыха, питания, физической культуры, отношения к вредным привычкам. В решении этих задач медицинскими работниками встречаются значительные трудности, в профилактике заболеваний также возникают сложные проблемы деонтологического характера.

К терапевту наиболее часто обращаются пациенты с чрезвычайно важными, волнующими каждого человека проблемами. Их правильное разъяснение имеет, без преувеличения, исключительное значение. Например, проблема старения. Естественно, что, встретившись с врачом, очень многие хотят получить какую-то информацию,

хотя каждый человек знает, что бессмертия в биологической жизни не дано.

Великий ученый Хусайн ибн Сино (Авиценна) уделял большое внимание проблеме сохранения здоровья и профилактике преждевременной старости. По рецепту Авиценны, главными факторами долголетия являются режим питания, поддержание массы тела в норме, окружающая среда, то есть экологические обстоятельства, культура одежды, гимнастика и физическое воспитание. Он считал, что охрана здоровья равнозначна искусству жизни.

Врач-терапевт (в беседе, лекции, индивидуальном разговоре, теле-радио передаче, интернете) должен так построить свой рассказ, чтобы попытаться создать у слушателей стремление оздоровить свой образ жизни, с осознанностью относиться к различного рода "омолаживающим" диетам, "эликсирам молодости" и т. д.

Пропаганда здорового образа жизни - дело не простое, требующее не только специальных медицинских знаний, но и умения доходчиво, популярно рассказать об этом слушателям. К сожалению, врач не умеет владеть риторикой, методам лекторской работы, владению словом. Поэтому "процент эффективности" скучных, шаблонно построенных, далеко не на деонтологических принципах выступлений врачей, ученых (нередко крупных), выражающих свои мысли казенным, псевдонаучным языком, невелик.

Искусству санитарно-просветительной профилактической работы должен учиться каждый врач-терапевт, каждый медик, тем более что проблемы профилактики, особенно индивидуальной, очень тесно смыкаются с проблемами воспитания. Не только в профилактике, но и в лечении трудно рассчитывать на ощутимые результаты, если не довести до сознания больного, что нужно вовремя обращаться за медицинской помощью, тщательно выполнять врачебные назначения.

Врач-терапевт должен использовать любую возможность, чтобы внушить пациенту (или здоровому человеку, проходящему профилактический осмотр, диспансерное наблюдение), насколько серьезную опасность для его здоровья, а подчас и для жизни представляет легкомысленное отношение к рекомендациям врача, позднее обращение к нему, а также такие факторы риска, как малая физическая активность, курение и употребление алкоголя, наркотических веществ, переизбыток беспорядочный образ жизни, нервно-психические перегрузки.

Соблюдение принципов медицинской деонтологии имеет важное значение в гематологической практике, где врачу приходится сталкиваться с больными, страдающими тяжелыми заболеваниями. Они нередко испытывают мучительное беспокойство, страх, они подавлены, а иногда даже агрессивны. Такие пациенты требуют к себе от медицинского персонала максимум внимания, глубоко переживают из-за мелочей. В подобных случаях врач-гематолог с большим умением, тактом должен выяснить опасения у больного, сопряженные с болезнью. Больной должен чувствовать, что его



жизнь, здоровье, судьба в центре внимания врача-гематолога. Создание подобных благоприятных взаимоотношений способствует более успешному лечению, мобилизации воли, нормализации психического состояния больного. Но такую идеальную ситуацию легко разрушить неосторожным словом, неуместным обсуждением в присутствии больного характера его заболевания, акцентированием внимания на том или ином симптоме, сомнением в правильности диагноза и применяемой терапии другим лечащим врачом. Поэтому говорить с больным нужно так, чтобы сказанное ни в коем случае не вредило, а максимально помогало ему.

Необходимо обратить внимание на обоснованность проведения тех или иных сложных высокотехнологичных медицинских исследований и лечебных мероприятий, а также своевременность их проведения, ибо ожидание процедуры или исследования могут отрицательно влиять на психику больного.

Большого умения и искусства требует осмотр больных с тяжелым и неизлечимым недугом. Сообщая менее опасный диагноз, врач не только утешает и успокаивает больного, но и поддерживает в нем огонь жизни. Уместно привести следующие слова академика Н. Н. Блохина: "Человеку свойственно желание жить и искать надежду на выздоровление. Надо только стараться поддержать эту надежду".

О некоторых тяжелых гематологических заболеваниях вообще не следует говорить больным. Информация, полученная от незадачливых врачей, от недисциплинированных медсестер или из истории болезни, хранившейся в доступном месте, нанесет больному психическую травму, лишит надежды на жизнь, на выздоровление. В таких случаях, разумеется, общение с больными осложняется и приходится прилагать много усилий, чтобы

вновь вселить в больного веру в проводимое лечение.

Одним из немаловажных факторов успешного лечения является установление нормальных отношений с родственниками больного. Откровенные беседы можно вести только с близкими родственниками больного, причем, сообщая те или иные сведения, необходимо учитывать особенности их психики. Даже при самых драматических ситуациях врач должен ободрять родственников, оставляя им надежду на лучший исход.

Проблема деонтологии необъятна. Понимая это, трудно даже пытаться исчерпать ее в полной мере, можно лишь очертить некоторые стороны. Обратим внимание на две особенности реализации деонтологического подхода в работе врача-терапевта.

Первая особенность заключается в широком круге проблем, с которыми обращаются больные к врачу-терапевту, что требует особо глубокого и вдумчивого отношения врача, его постоянного стремления к целостному восприятию организма пациента. По сравнению с другими медицинскими дисциплинами, клинические картины, которые предстают перед терапевтом, отличаются, как правило, выраженной индивидуальностью, а следовательно, требуют при диагностике и лечении наибольшего соблюдения деонтологических принципов.

Вторая особенность связана со значительной личностной опосредованностью всех проявлений заболевания в клинике внутренних болезней. И в этом плане психотерапевтические навыки врача оказываются необходимым компонентом его профессионального мастерства, существенным фактором, определяющим уровень врачебной квалификации и личностных качеств.

Высокая гражданская ответственность за судьбу больного и высокая профессиональная подготовленность - две эти "высоты" необходимо взять каждому медицинскому работнику, а врачу - в первую очередь, чтобы соответствовать обязательным требованиям, предъявляемым этикой и деонтологией, быть полноценным членом единой семьи медицинских работников Республики Узбекистан, вся деятельность которых отвечает гуманному долгу - служению человеку.

Исроил ИСМОИЛОВ,
врач Городской детской клинической больницы №1,
г.Ташкент.

ҚАЛБЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ



Пойтахтимиз “юраги” — Тошкент шаҳридаги Мустақиллик майдонига йўли тушган киши ял-ял ёниб турган кўркам ва салобатли Президент арчасини кўриб, дили яйрайди. Муаззам майдонга фарзандлари ва невараларини етаклаб келган ота-она, буви-бувалар юз-кўзида мамнунлик, юртимиз осойишталиги ва тинчлигидан шукроналик ифодаси. Мактаб ўқувчиларининг қишки таътил даври безатилган арча атрофида аъло кайфият билан ўтаётганига заррача шубҳа йўқ. Ўйнанг, қувнанг, болажонлар, давру даврон сизники!

Анвар САМАТХОДЖАЕВ сурат-лавҳаси.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Лицензиялаш ва нодавлат тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармаси маълум қилади

Тузатиш: газетамизнинг 2014 йил 48-сонида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббий фаолият билан шуғулланаётган хўжалик юривчи субъектларнинг лицензия талаб ва шартларига риоя этишларини назорат қилиш бўйича 2015 йилнинг 1-2-чоракларида ўтказиладиган текширишлар режа-жадвали Сурхондарё вилояти бўйича қуйидагича ўқилсин:

В. СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

№	Сурхондарё вилояти	Шўрчи тумани	“Хусусий ортопедик стоматология шифохонаси” хусусий корхонаси	201655112	02.01.2015 й	30.01.2015 й
2	Сурхондарё вилояти	Жарқўрғон тумани	“Доктор Сардор” хусусий корхонаси	301684629	01.02.2015 й	28.02.2015 й
3	Сурхондарё вилояти	Қизирик тумани	“Садаф” хусусий корхонаси	203095223	01.03.2015 й	30.03.2015 й
4	Сурхондарё вилояти	Узун тумани	“Дента Пур кўркам табассум” хусусий корхонаси	300531724	01.04.2015 й	30.04.2015 й
5	Сурхондарё вилояти	Термиз шаҳри	“Зиё-қўз” хусусий корхонаси	205770442	01.05.2015 й	30.05.2015 й
6	Сурхондарё вилояти	Денов тумани	“Шахбос мед сервис” хусусий корхонаси	205333676	01.06.2015 й	30.06.2015 й

ЭЪЛОНЛАР

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фондининг Тиббий-ижтимоий маркази ҳудудлараро кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадаси учун 1 нафар педиатр ва 1 нафар ультратовуш ташхиси мутахассисларини (вакансия) ишга таклиф қилади.

Республика наркология маркази 3 нафар шифокор-реаниматолог-анестезиолог ҳамда 1 нафар нарколог-врач лавозимларига бўш ўринлар борлигини маълум қилади.

Фахр

ҲАРБИЙ ШИФОКОРЛАР АРМИЯМИЗ ЖАНГОВАРЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

2014 йилда Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультетини дастлабки ҳарбий шифокорлар битирди.

Яқин-яқинларга қадар мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун тиббий хизмат офицерларини тайёрлайдиган бундай ўқув муассасаси йўқ эди. Шунинг учун олий тиббиёт ўқув юртлири битирувчилари ҳарбий шифокор бўлиб ишларди. Фуқаро ва ҳарбий тиббиёт мутахассисларини тайёрлаш жараёнида сезиларли фарқ бор. Негаки, ҳарбий шифокорлик ўзига хос хусусиятларга эга. Тиббий хизмат офицерлари тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тиббий таркиби ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мақсадида 2012 йил 10 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида ҳарбий-тиббиёт факультетини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Факультет бошлиғи, тиббий хизмат подполковниги Жаҳонгир Собировнинг сўзлари-

га кўра, ушбу факультет Қуролли Кучлар учун тиббий хизмат офицерларини тайёрлайдиган мамлакатимиздаги ягона ўқув муассасасидир. Ушбу факультет 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тиббиёт мутахассислари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш маркази ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг ҳарбий кафедрасини қайта ўзгартириш йўли билан ташкил этилди.

Юқори интеллектуал салоҳиятли, ўз Ватанига чексиз садоқатли, кўшинларни тиббий таъминлашни самарали ташкил этишга қодир юқори малакали тиббий хизмат офицерларини тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тиббий таркиби ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, ҳарбий тиббиёт соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш факультетнинг асосий вазифаларидир.

Факультет курсантларининг интеллектуал салоҳияти ва уларни ўқитиш даражасининг юқорилигини баҳолаш учун фа-

культет кафедралари, ўқув ва маъруза хоналарини кўриш, мавжуд адабиёт ва ўқув материаллари билан танишишнинг ўзи кифоя. Факультетнинг беш кафедрасида ҳарбий шифокорлик фаолиятининг барча йўналишлари бўйича ўқитилмоқда. Курсантлар дарс давомида кўшинларни тиббий таъминлаш, ҳарбий-дала жарроҳлиги ва терапиясини ташкил этиш, гигиена ва эпидемиология, токсикология ва радиология, турли жанговар захарли моддалар билан зарарланганда тиббий ҳимоя ва даволаш усуллари бўйича билим олмақда. Бундан ташқари, курсантлар ҳарбий фанларни пухта ўрганиб, жисмоний тайёргарлигини ҳам такомиллаштирмоқда.

Факультетда таълим жараёни замонавий педагогик услубларга асосланган бўлиб, ахборот-коммуникация технологиялари кенг қўлланилмоқда. Бўлажак шифокорларнинг касб маҳоратини оширишга ёрдам берадиган турли кўргазмалар қўлланилар, макет ва тренажёрлар ҳам эътиборга лойиқ. Бундай ўқув материаллари факультетнинг ҳарбий-дала жарроҳлиги кафедрасида ўқитишнинг муҳим қисмини ташкил этади.



– Ҳарбий хизматчиларнинг саломатлиги ва ҳаёти бизнинг фаолиятимизга боғлиқ эканини яхши англаймиз, – дейди факультет курсанти Зариф Акбаров. – Шу боис биз, бўлғуси ҳарбий шифокорлар сифатида ўз ишимизга катта масъулият билан ёндашишимиз зарур.

Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида ҳарбий-тиббиёт факультетининг ташкил этилиши миллий армиямизнинг жан-

говар қобилиятини оширишнинг муҳим омилларидан бирига айланди. Бу ерда яратилган тиббий хизмат офицерларини тайёрлаш тизими мамлакатимизнинг барча ҳарбий қисмларини юқори малакали ва пухта тайёргарликка эга ҳарбий шифокорлар билан таъминлаш имконини беради.

Роман БОНДАРЧУК.
Сурат муаллифи
Асқар ЁҚУБОВ. (ЎЗА).

Газета
муассиси:
**Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги**

Бош муҳаррир **Асилбек ХУДАЯРОВ**
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 7084 нусха.
Буюртма Г-158.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

